

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРАЗИМБЕТОВА ЗЛИХА ҚДИРБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ВАҚТЛИ МАТБУОТИ ТИЛИНИНГ
УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2019

Докторлик (DSc) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Оразимбетова Злиха Кдирбаевна

Қорақалпоқ вақтли матбуоти тилининг услубий хусусиятлари.....5

Оразимбетова Злиха Кдырбаевна

Стилистические особенности языка каракалпакской периодической печати.....39

Orazimbetova Zlikha Kdirbaevna

Stylistic peculiarities of the language of the karakalpak periodical press.....73

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ76
List of published works

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**


ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРАЗИМБЕТОВА ЗЛИХА ҚДИРБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ВАҚТЛИ МАТБУОТИ ТИЛИНИНГ
УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**



Нукус – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Fil149 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) **Илмий кенгаш** веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Абдиназимов Шамшетдин Нажимович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ибрагимов Юлдаш Маткаримович филология фанлари доктори, профессор Мўминова Патима Изатуллаевна филология фанлари доктори, профессор Пардаев Азамат Бахронович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи тошқилот:	Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Диссертация химояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017. Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «4» «XII» ¹⁰даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1- уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ¹ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1 уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «19» «XI» да тарқатилди.
(2019 йил «19» «XI.10.16» даги ¹⁰ рақамли реестр баённомаси)



К.Алламбергенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ф.б., филол.ф.д., профессор.

Г.Е.Қарлибаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
кенгаши, филол.ф.д., доцент (DSc).

Қ.К.Жаримбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
хизматчиси, илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги ахборот глобаллашуви жараёнида ҳар бир миллат ўзининг миллий адабий тилини ва маданиятини сақлашга интиломда. Инсоният ҳар куни атрофида, мамлакатда ва бутун жаҳонда бўлаётган воқеа ва янгиликларни оммавий ахборот воситалари, жумладан, газеталар орқали олади. Бунда тил ўта муҳим ўрин эгаллаб, газета оммага ахборот ва янгиликларни етказувчигина эмас, балки она тилининг фонетик, лексик, лексик-семантик, морфологик ва синтактик имкониятларини юзага чиқарувчи, лексикамизнинг бойиши ва ривожланишига ҳисса қўшадиган, адабий тил меъёрларини белгилаб берувчи муҳим восита сифатидаги роли ошиб боргани сари уни чуқур ўрганиш зарурати келиб чикмоқда.

Дунё тилшунослигида публицистик услуб, хусусан, вақтли матбуот тили ва услубининг таъсирчан, тушунарли, раван, ихчам, самарали, аниқ ҳамда оммабоп кўринишларининг намоён бўлиши нуктаи назаридан долзарб назарий ва амалий муаммодир. Зеро, газетанинг таъсирчанлиги, энг аввало, тил орқали амалга оширилади ва матбуот материалларининг тили инсонларнинг дунёқараши, фикри ва ёзув маданиятига бевосита таъсир кўрсатади. Матбуот тилининг эмоционал ва экспрессивлиги, тушунарли ва тўғрилиги, бадий, ихчам ва аниқ бўлиши оммавий коммуникация сфераси орқали бугунги миллий тил кўринишларини ўзида ифода этади ва оғзаки тилнинг эмоционал-экспрессив воситаларидан унумли фойдаланиб, уларни китобий тилга олиб кирувчи асосий восита ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар вақтли матбуот тили қорақалпоқ тилшунослигида энг кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, газета тили ва услубидаги лексик ва функционал услубий ўзгаришларни аниқлаш, матбуот тилининг эмоционал ва экспрессивликни таъминлашдаги асосий жиҳатларини кўрсатиб бериш, тилимизга бошқа тилларнинг таъсири ва улар орқали янги сўз, атама, терминларнинг кириб келишида газеталарнинг ролини аниқлаш замонавий қорақалпоқ тилшунослигидаги ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб масалалардан бири. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда журналистика ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ўзгартириш, ривожлантириш ҳамда янгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини зарур ва керакли конунлар билан ҳимоялаш – давлат сиёсати даражасидаги вазифалардан бирига айланди. Бинобарин мамлакатимизда 1500 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият юритиб, улар йўналиши, типологияси, ахборот етказиш усулларига кўра ҳар хил, уларнинг барчасига юқори малакали мутахассислар зарур¹. Шу муносабат билан 2018 йили Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ташкил этилиши соҳадаги энг муҳим жиҳатлардан бири бўлди. Бундай янгиланиш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь.

ривожланишлар журналистиканинг демократик жамият барпо этишда алоҳида ўринга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси», 2017 йил 17 февралдаги ПК-2789-сон «Фанлар академияси фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунлар (1989 йил 21 октябрдаги ўзбек тили ҳақидаги ва 1989 йил 1 декабрдаги қорақалпоқ тили ҳақидаги), 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Президентимизнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси (2017 йил, 22 декабрь ва 2018 йил, 28-декабрь) ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Вактли матбуот тили ва услуби бўйича илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Tohoku university (Япония), University of Sheffield (Буюк Британия), Dehli University, Maulana Azad National Urdu University (Ҳиндистон), Санкт-Петербург давлат университети, Москва давлат университети, Россия Фанлар Академияси тилшунослик институти, Медиакommуникация ва хорижий филология институти (Россия), Киев маданият ва миллий санъат университети (Украина), Azərbaycan Dövlət Dillər Universiteti (Озарбайжон), Ал-Форобий номидаги Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон), Ўш давлат университети (Қирғизистон), Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Самарқанд давлат университетиди (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида публицистик услуб ва вактли матбуот тили бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари асосида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: вактли матбуот тилининг ёзма услублар тараққиёти, адабий тилнинг яна ҳам сайқал топиши, тилнинг луғат бойлиги янги атамалар билан бойишининг муҳим омиллардан бири эканлиги

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот ишлари шарҳи: www.dslib.net, www.dissercat.com, www.pglu.ru, www.rsl.ru, <https://dspace.kpfu.ru>, <https://istina.msu.ru>, cheloveknawka.com, lev.nlr.ru, www.tsu.ru, elib.bsu.by, suid.ru ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

исботланган (Москва давлат университети; University of Sheffield); газета матнларининг эмоционал-риторик хусусиятлари аниқланган (Баку шарқшунослик институти; Киев маданият ва миллий санъат университети); вақтли матбуот тилининг лексик, морфологик, услубий ва синтактик хусусиятлари очиб берилган (Tohoku university; Белгород давлат миллий тадқиқот университети); асосий матбуот жанрларида қўлланган сўзларнинг семантик-услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш натижасида матбуот тилининг семантик майдони назарияси яратилган (Бурят давлат университети); матбуот тилининг лексик таркиби ва фразеологик бирликлари аниқланган (Azərbaycan Dövlət Dillər Universiteti); матбуот тилининг адабий тил меъёрларига риоя қилиш ҳолатлари ва журналистларнинг ёзиш маҳоратининг адабий тилга таъсири газета материаллари асосида аниқланган (Санкт-Петербург давлат университети).

Бугунги жаҳон тилшунослигида вақтли матбуот тили ва газета-публицистик услуби бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: матбуот тилининг социо-психолингвистик ва функционал-коммуникатив аспектларини аниқлаш; газета тилининг ўзига хослиги, функционал ва коммуникатив услубий хусусиятларини илмий таҳлил билан очиб бериш; газета жанрлари ҳамда матбуот матнларини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг ролини аниқлаш; матбуотда адабий тил меъёрларига риоя қилиш ва адабий тил меъёрларининг бузилиши ҳолатларининг кузатилишини илмий таҳлил қилиш; турли тиллардаги матбуот жанрларининг тили ва услубини қиёсий ўрганиб, уларнинг назарий ҳамда амалий асосларини янгилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида матбуот тили ва услубига доир бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Айниқса, рус тилшунослигида В.Костомаров, Г.Солганик, Д.Розенталь, В.М.Шестова, А.С.Подчасов, М.А.Кириленко, О.Н.Евдокимова, М.Р.Дускаева, Н.В.Рачук, О.Г.Ананченко, И.В.Алешчанова, Н.А.Пром, Э.В.Салигина, Э.А.Зойдзе, Н.Л.Снячкина ва бошқаларнинг тадқиқотларида матбуот тили ва услубининг турли лингвистик аспекти ҳамда матбуот жанрлари тилининг назарияси ва амалий жиҳатлари кенг тадқиқ этилган².

² Костомаров В. Русский язык на газетной полосе (некоторые особенности языка современной газетной публицистики) – Москва: МГУ, 1971; Солганик Г. Стилистика публицистических жанров. – Москва: МГУ, 1970; Розенталь Д. Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды. – Москва: МГУ, 1980; Шестова В.М. Функционирование научного стиля в газете: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Москва, 1978; Подчасов А.С.Функционально-стилистикальные особенности газетных заголовков: на материале Российских и британских газет второй половины 1980-1990 годов. Синтаксический аспект: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Москва, 2001; Кириленко М.А. Жанрово-стилистикальные особенности рекламы мобильной связи: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Москва, 2004; Евдокимова О.Н. Языковая и стилистическая особенности традиций речевых жанров: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Курск, 2010; Дускаева М.Р. Диалогическая природа газетных речевых жанров: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Пермь, 2004; Рачук Н.В. Функционирование вводных элементов в современном газетном тексте: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Санкт-Петербург, 1999; Ананченко О.Г. Оценочная метафора в газетных текстах начало XX века: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Магкоп, 2011; Алешчанова И.В. Цитатия в газетном тексте: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Волгоград, 2000; Пром Н.А. Современный газетный спортивный репортаж: жанрово-стилистикальный аспект: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Волгоград, 2011; Салигина Э.В. Стилистика англоязычного газетного фельетона: когнитив, прагматической и лингвостилистические аспекты. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Москва, 1993; Зойдзе Э.А. Стилистикальные особенности аналитических газетных текстов: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Москва, 2013; Снячкина Н.Л. Основные тенденции в развитии лексики языка газеты на современном этапе. 1985-1996: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Москва, 1997.

Шунингдек, туркий матбуотшунослигида Ж.Мамедов, М.Адилов, Б.Абилхасимов, Э.Оручов, С.Исаев, А.Бобоева, М.Рахманов, Б.Турдалиев, И.Тошалиев, Т.Қурбонов, А.Абдусайдов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида³ матбуот тили ва услуби, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида назарий қарашлар, шунингдек, синалган амалий йўналишларга муносабатлар билдирилган.

Қорақалпоқ тилшунослигида публицистик услуб, вақтли матбуот тилининг услубий хусусиятлари, жанрларнинг тили ва услуби ҳозирги кунгача монографик планда илмий тадқиқ этилмаган. Мазкур тадқиқот тилшунослигимиздаги ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилиши билан характерланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Мустақиллик йилларида қорақалпоқ журналистикаси жанрларининг ривожланиши, тили ва услуби», «Ҳозирги қорақалпоқ тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот ишларининг режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик даврида қорақалпоқ тилида нашр этилган вақтли матбуотнинг тили ва услубий хусусиятларини тизимли равишда, республика, туман, соҳа газеталари ҳамда журнал материалларини илмий таҳлил асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ вақтли матбуоти тилининг функционал услубий хусусиятлари ва вазифаларини аниқлаш;

адабий тилнинг луғавий бойишидаги вақтли матбуот тилининг роли ва газета материалларининг эмоционал-риторик хусусиятларини белгилаш;

қорақалпоқ вақтли матбуотининг ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик жанрлари, шунингдек, матбуот рекламасининг тили ва услубини бошқа тиллардаги газета материаллари билан қиёсан ўрганиш орқали вақтли матбуот жанрлари эволюциясидаги ўзига хос хусусиятларни очиб бериш;

вақтли матбуот тилида экспрессия ҳосил этувчи тил воситаларига доир янги назарий ва амалий қарашларни исботлаш;

³ Мамедов Ж. Газетный стиль современного азербайджанского литературного языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1973; Адилов М. Газет дили: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1973; Абилхасимов Б. Язык газеты «Дала Уяляты» (1988-1902 гг.): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1964; Оручов Э. «Экинчи» газетининг дили: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1974; Исаев М. Становление и развитие языка казахской периодической печати: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Алма-Ата, 1974; Бобоева А. Газета тили ҳақида. – Тошкент: Фан, 1983; Рахманов М. Синтаксические особенности языка газеты «Туркистон вилоятининг газети»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971; Турдалиев Б. Морфологические особенности языка периодической печати 1905-1917 гг. Дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Тошалиев И. Матбуот тили маромларига доир. – Тошкент: Зар қалам, 1990; Қурбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987; Абдусайдов А. Язык газеты и литературные нормы (на материалах местных и республиканских газет 70-80-х годов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988; ўша муаллиф. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005.

мустақиллик даври қорақалпоқ вақтли матбуотининг тили ва услубидаги лексик ҳамда услубий ўзгаришлар ва уларнинг эволюцион тараққиёти сифатларини аниқлаш;

матбуот тилининг адабий тил меъёрларига риоя қилиш даражасини кўрсатиб бериш ва услубий меъёрларнинг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича амалий таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорақалпоқ тилида республика миқёсида нашр қилинаётган «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», «Қарақалпақстан таңы», туман миқёсидаги «Шымбай ҳауазы», «Қанлыкөл хабарлары», «Хожели ҳақыйкаты», «Кегейли турмысы», «Шоманай нуры», «Ақмаңғыт таңы», «Мийнет байрағы», «Тахтакөпир таңы» газеталари ва «Устаз жолы», «Ғарезсизлик ҳам Нызам», «Шыпакер», «Тынышлық сақшысы», «Қарақалпақстан мәденияты», «Қарақалпақстан спорты» каби соҳа газеталари ҳамда «Әмиўдәрья» ва «Қарақалпақстан» журналлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини мустақиллик давридаги қорақалпоқ тилида нашр этилган вақтли матбуот материаллари, матбуот жанрларининг сўз қўллаш ва услубий хусусиятларига оид манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда матбуот материалларини семантик-услубий таҳлил қилиш, таққослаш ва компонент таҳлил қилиш, шуниңдек, математик статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қорақалпоқ вақтли матбуотидаги ахборий (хабар, репортаж, интервью, хисобот), таҳлилий (мақола, корреспонденция, тақриз, хат) ва бадиий-публицистик (лавҳа, очерк) жанрлардаги материаллар тилининг услубий хусусиятлари тизимли равишда очиб берилган;

матбуот тилида қорақалпоқ адабий тилининг лексик-грамматик воситаларини тўғри қўллаш, тилнинг ички имкониятларига риоя қилиш ҳолатлари, тилимизга бошқа тиллардан сўз ва атамаларнинг кириб келиши билан лексикамизнинг бойиши, аммо айрим ҳолатларда бошқа тиллардан кириб келган сўзларнинг ноўрин қўлланилиши аниқланган;

ҳозирги замон қорақалпоқ адабий тилида сўз ясалишининг янги шакл ва усуллари, вақтли матбуот тилида сўзларнинг лексик ва функционал услубий ўзгариши, матбуот тилининг таъсирчанлиги, эмоционал ва экспрессивликни таъминлашда янги замонавий жиҳатларнинг мавжудлиги исботланган;

қорақалпоқ вақтли матбуоти тили ва услубида охири ўттиз йил мобайнида кузатилган лексик ўзгаришлар, янги фразеологик бирликларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг эволюцион сифатлари аниқланган;

матбуот рекламаларининг тили қисқа, аниқ, оддий, тушунарли ва бир йўналишга қаратилган бўлиши, маҳсулот ва хизмат турлари ҳақида маълумот бериши, унда фикрнинг таъсирчанлигини кучайтириш учун уңдов сўзлар, сўрок гаплар, метафора ва эпитетлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ойдинлаштирилган;

мустақиллик даври матбуот тилида умумхалқ тилида мавжуд бўлган фразеологизмлар билан биргаликда газета фразеологизмлари ҳам пайдо

бўлгани, газета фразеологизмлари билан умумхалқ фразеологизмларининг истеъмолда бўлиш муддатлари ҳар хиллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ вақтли матбуот тилининг лексик-семантик, грамматик ҳамда услубий хусусиятлари, унинг функционал услублар таркибидаги ўрни, матбуот тилининг адабий тилга таъсири аниқланган;

матбуот жанрлари (ахборий, таҳлилий, бадий-публицистик) ва матбуот рекламаларининг хусусиятлари, асосий белгилари, турли жанрдаги материалларга сарлавҳа қўйиш маҳорати, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб берилган;

қорақалпоқ адабий тилига бошқа тилларнинг таъсири ва бу орқали вақтли матбуот тилидаги луғавий ўзгаришлар аниқланган;

мустақиллик йилларида вақтли матбуот тилида эмоционал-экспрессивликни таъминловчи тил воситаларининг, жумладан, фразеологизмларнинг ўринли ҳамда тўғри қўлланилиши ва матбуот тилига хос фразеологизмларнинг ҳосил бўлиши ўрганилган;

вақтли матбуот тилининг адабий тил меъёрларига амал қилиш даражаси аниқланиб, ушбу соҳадаги хато, нуқсон камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича назарий мулоҳазалар таъкидланиб, амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг илмий адабиётлардан ва илмий таҳлилга тортилган мисолларнинг вақтли матбуот манбаларидан олинганлиги, таҳлиллар, илмий-амалий ва илмий назарий характердаги хулосаларнинг таснифий, тасвирий ва қиёсий-тарихий методлари билан асосланганлиги, назарий фикр ҳамда таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилиши, билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг мустақиллик давридаги қорақалпоқ вақтли матбуоти тилининг бетақроқ услубий хусусиятлари, ундаги лексик, лексик-семантик ўзгаришлар ва адабий тил меъёрига амал қилиш даражасининг илмий-назарий таҳлил этилиши ишнинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан матбуот тили бўйича луғатлар яратиш, уларнинг услубий хусусиятларини аниқлаш, «Медиа тили ва услуби», «Нутқ маданияти ва оммавий ахборот воситалари тили» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмалари ёзиш, шунингдек, журналист, илмий ходим ва тадқиқотчилар фаолиятида кенг фойдаланиши, уларнинг тил ва маданий салоҳиятини асослаб кўрсатишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Мустақиллик даври қорақалпоқ вақтли матбуоти тилининг услубий хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида:

матбуот тили ва жанрлар услуби публицистик услубнинг алоҳида бир кўриниши эканлиги, матбуот тилининг адабий тил таркибида туган ўрни, газеталардаги ёзиш муаммоларни ҳал қилиш борасидаги хулосалардан

республика, туман ва соҳа газеталарида амалда йўл қўйилаётган лексик, грамматик, услубий хато ва камчиликларнинг олдини олиш, қорақалпоқ адабий тили меъёрларига риоя қилиш, сўз ва иборалардан тўғри фойдаланишни такомиллаштиришда қўлланилган (Қорақалпоғистон ахборот агентлигининг 2019 йил 12 мартдаги 01-166/1-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ вақтли матбуотидаги турли жанрдаги материалларнинг мазмун жиҳатидан янада бойишига, матбуот тилидаги баъзи лисоний ва услубий камчиликларни бартараф этишга ва келгусидаги хатоларнинг олдини олишга хизмат қилган;

мустақиллик даври қорақалпоқ вақтли матбуоти тилидаги луғавий ўзгаришлар, янги сўз ва ибораларнинг пайдо бўлиши, бунда бошқа тилларнинг таъсири, газета тили ва услуби, медиа матнларнинг хусусиятлари масалалари, қардош халқлар журналистикасида матбуот тилининг ўрганилишига оид назарий умумлашмалар ва маълумотлар Қирғизистон Республикасининг Ўш давлат университети Қирғиз филологияси ва журналистика факультетида «Медиа проектирование», «Литературное редактирование и публицистический стиль», «Медиапроекция» фанларини ўқитиш сифатини оширишда фойдаланилган (Ўш давлат университетининг 2019 йил 17 июлдаги 1018-сон маълумотномаси). Натижада вақтли матбуот жанрлари тилининг услубий хусусиятлари аниқланиб, миллий матбуот материалларининг туркий халқлар матбуоти жанрларининг тили билан муштараклиги хусусидаги янги маълумотлар билан бойтилишига хизмат қилган;

қорақалпоқ оммавий ахборот воситалари тили ва жанрлар услуби, нутқ ва ёзиш маданиятининг илмий ва амалий аҳамияти хусусидаги натижалардан Қорақалпоғистон Телерадиокомпаниясининг «Сөз гəўхары», «Тилге итибар – елге итибар» кўрсатувларининг амалий ишларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Телерадиокомпаниясининг 2019 йил 2 мартдаги 01-02/77-сон маълумотномаси). Натижада, оммавий ахборот воситаларида сўз ва иборалардан тўғри фойдаланиш, тил маданиятига эътибор қаратиш, қорақалпоқ адабий тилининг лексик-грамматик воситаларини тўғри қўллаш, кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлашда қорақалпоқ адабий тилининг ички имкониятларини ҳисобга олиш, тилимизга бошқа тилларнинг ижобий ва салбий таъсирлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кўрсатувларнинг таъсирчанлиги ва тил маданиятига эътиборнинг ортишига асос бўлган;

қорақалпоқ оммавий ахборот воситалари тилидаги баъзи бир лисоний ва услубий хато, нуқсон ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича олинган хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Терминология маркази томонидан кенг фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Терминология марказининг 2019 йил 1 майдаги 01-08/85-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқотдаги илмий натижалар она тили ва давлат тилидан тўғри фойдаланиш, ёзиш маданиятининг янада юксалиши, лисоний ва услубий камчиликларни бартараф этишга хизмат қилган;

вақтли матбуотнинг ахборот тарқатиш, таъсир кўрсатиш, баҳо бериш каби вазибаларини бажаришда адабий тил воситаларидан тўғри фойдаланишга доир билдирилган назарий фикрлардан матбуот материалларининг ижодий савиясини, сифатини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 19 апрелдаги 16-сон маълумотномаси). Натижада, журналистлар ва ижодкорлар тилининг жамият тафаккури ривожидagi ўзига хос хусусиятларини билиш, тушуниш, ўзлаштириш ҳамда ёзишда уларнинг касбий маҳоратининг оширилишига ёрдам берган;

қорақалпоқ вақтли матбуоти тилининг услубий хусусиятлари ва унда янги сўзларнинг ясалиши ва қўлланиши, қўлланиш меъёрларига доир асосли хулосалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг «Ҳозирги замон қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги ФА-Ф1-Г003-рақамли фундаментал лойиҳа ишларини амалга оширишда фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 12 июлдаги 38/1-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ вақтли матбуотидан олинган материаллар мазкур лойиҳа ишининг янги маълумотлар билан тўлдрилишига ва ҳозирги замон қорақалпоқ адабий тилида сўз ясалишининг янги шакл ва усулларини аниқлашга маълум даражада асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ўн саккизта илмий-амалий анжуманда, жумладан, ўн олтига республика миқёсидаги анжуманда ҳамда иккита халқаро анжуманда маъруза қилиниб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилиб, шундан битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 240 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялар тараққиётининг асосий йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланиб, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши, апробацияси, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вақтли матбуотнинг адабий тил тараққиётидаги фаолияти ва тадқиқи**» деб номланган биринчи боби учта бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим «*Вақтли матбуотнинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари*» деб номланади. Унда матбуотнинг вазифаси, бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқи, жамоатчиликка таъсири, имкониятлари ва хизматлари тўғрисида қисқача шарҳ берилган. Матбуотнинг ахборот бериш, маърифий, тарбиявий, мафкуравий, ташкилотчилик, тарғиботчилик, реклама, таъсир этиш каби томонлари алоҳида кўрсатилиб, мазкур вазифаларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги тушунтирилди. Ахборотларни тарқатиш, уларни шархлаш, воқеа-ҳодиса тафсилотларига баҳо бериш матбуотнинг асосий вазифаси саналиб, бунинг натижасида тилнинг информатив ҳамда экспрессив функциялари намоён бўлади. Вақтли матбуот нафақат маълумотни етказиш, балки оммага маълум даражада эмоционал-экспрессив таъсир кўрсатиши билан фаркланади. Матбуотда ахборотлар янгилиги, долзарблиги, ихчам ва қисқалиги каби жиҳатлари билан ахборий функцияни бажарса, бу функция хабарларни шакллантиришда иштирак этувчи лексик бирликларнинг, услубий воситаларнинг фаол қўлланишига олиб келади. Матбуотнинг таъсир этиш функцияси биринчи навбатда газета материалларининг ижтимоий-сиёсий йўналишини ифода этувчи лексик бирликларнинг шаклланишини таъминлайди. Бу иккита функциянинг ўзаро муносабати, газета матнларини тўғри шакллантириш натижасида информативлик ва экспрессивликнинг уйғунлигини юзага келтиради. Вақтли матбуотнинг ушбу вазифалари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ахборотни ўқувчига конкрет, мазмунли, образли, таъсирли етказишга, шу орқали омма дунёкарашига ижобий таъсир кўрсатиб, уларни тарбиялаш вазифасини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими «*Вақтли матбуотнинг адабий тил тараққиётидаги вазифаси*» деб номланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида матбуотда тил маданиятини янада ошириш, газета ўқувчиси билан жонли ва таъсирли алоқа ўрнатиш каби вазифаларни бажаришда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Энг асосийси, таъсирли, ихчам, мазмунли ёзишда, хабарларни кенгрок қамраб олишда, долзарб муаммоларни ўз вақтида ёритишда журналистларнинг жонқуярлиги сезиларли даражада ортди. Аммо, матбуот тилида ютуқлар билан бирга, тилдан фойдаланишдаги баъзи муаммолар ҳам учрайди. Бундай муаммолар ўз навбатида, матбуот тилининг кейинги ривожига, журналистларнинг фаолиятига, умумий нутқ ва ёзиш маданиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Матбуот тилининг намунали тил бўлишини таъминлаш масаласи диссертациянинг мазкур бўлимида илмий нуқтаи-назардан таҳлил қилинди.

Ушбу бобнинг учинчи бўлими «*Вақтли матбуот тилининг тадқиқи*» масаласига бағишланган. Матбуот тилини ўрганиш, биринчидан, лингвистик таҳлилни талаб этса, иккинчидан, адабий тил лексикасининг бойишида, грамматик тузилиши ва имло қоидаларининг ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Рус тилшунослигида газета тилини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилган. Жумладан, Г.Солганик газета тилининг хусусиятлари, тузилиши, ижтимоий-сиёсий лексиканинг айрим қонуниятларини илмий таҳлил қилса⁴,

⁴ Солганик Г.Я. Лексика газеты. – Москва: Высшая школа, 1981. – С. 112.

Н.Кохтев газета тилидаги фешн-от моделидаги сўз бирикмаларини аниқлаган⁵. В.Богуславский газетадаги сўзларнинг семантик-услубий гуруҳларини таҳлил қилган⁶. В.Костомаров⁷ эътиборга тил бирикларининг газета тилининг умумий ва асосий бирлиги эканлигини кўрсатиб, унинг таъсирчан дастурларини аниқлайди. Шунингдек, рус тилшунослигида А.Долгирева, Н.Снячкина, Ц.Чжан, Ю.Шайдорова, А.Фатина, О.Соколова, Ф.Грозданов, Т.Кравец, Чо.Джейси, Ю.Полякова, М.Москвина, М.Саблина, Л.Тимофеева, В.Таригина ва бошқалар газета тилининг турли аспектидаги тадқиқ этиши⁸.

Козок тилшунослигида Н.Карашева «Айқап» журнали тилининг морфологик ва синтактик хусусиятларини⁹, Б.Абилхасимов «Дала ўалаяты» газетаси тилини тадқиқ этган¹⁰. С.Исаевнинг диссертациясида 1920 йилдаги козок газетасининг тили ўрганилган¹¹. А.Ахабаевнинг диссертациясида козок вақтли матбуоти тили статистик жиҳатдан таҳлил қилинган¹². Татар тилидаги «Урал» газетасининг лексик таркиби, синонимия ва фразеологик бириклар, уларнинг синтактик хусусиятлари А.Эшмуратовнинг номзодлик диссертациясида алоҳида ўрганилган¹³. В.Гарифуллиннинг диссертациясида газета матнларида лингвостилубий тизим масаласи¹⁴, М.Низамовнинг илмий ишида оммавий коммуникацияда татар нутқий тили тизимининг қўлланилиши ва ривожланиши тадқиқ этилган. М.Асқаровнинг номзодлик диссертацияси XX аср бошидаги татар публицистикаси тилининг ривожланишида «Казан – мохбир» газетасининг ролини кўрсатиб бериш

⁵ Кохтев Н.Н. Устойчивые глагольно-именные сочетания в языке газеты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1969.

⁶ Богуславский В.М. Семантико-стилистические группы слова языке газеты. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Харьков, 1969.

⁷ Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе (некоторые особенности языка современной газетной публицистики). – Москва: МГУ, 1971.

⁸ Долгирева А.Э. Газетный заголовок в прагмативистическом аспекте: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Таганрог, 2002; Чжан Цзяньсинь. Речевая структура информационных жанров в современной газете: на материале «Известия» и «Московского комсомольца»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2005; Шайдарова Ю.А. Лексика разговорного употребления в языке газеты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Белград, 2009; Фатина А.В. Функционирование заголовочных комплексов в современной российской газете: стилистика-синтаксический аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2005; Соколова О.Н. Речевая культура газеты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2004; Грозданов Ф.Т. Язык молодежных интернет газет: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2007; Кравец Т.И. Названия газеты: ономазиологический и стилистические аспекты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2002; Чо. Джейси. Состав и функционирование неологизмов в языке газеты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2004; Полякова Ю.Г. Структура и особенности функционирования вставок в языке газеты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Магнитогорск, 2001; Москвина М.А. Лексико-фразеологические инновации в публицистике конца XX начала XXI вв: семантика, стилистика, прагматика: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006; Саблина М.В. Цитата и цитирование в текстах современных российских газет: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Красноярск, 2011; Тимофеева Л.Л. «Судебная хроника» в газетах США: жанр и его язык: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2002; Таригина В.А. Эпитет в различных жанрах газетно-публицистического и научного стилей: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1999;

⁹ Карашева Н.Б. Грамматические особенности языка казахской публицистики начала XX века. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1959.

¹⁰ Абилхасимов Б. Язык газеты «Дала уалаяты» (1888-1902гг.): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1964.

¹¹ Исаев С. Язык периодической печати 20-х годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1966.

¹² Ахабаев А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры казахской публицистики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1971.

¹³ Эшмуратов А.Г. Некоторые языковые и стилистические особенности газеты «Урал»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 1959.

¹⁴ Гарифуллин В.З. Лингвостилистическая система татарского газетного текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1998.

масаласига бағишланган¹⁵. Шунингдек, Г.Салманова¹⁶, А.Оруджев¹⁷, Т.Алиеванинг¹⁸ номзодлик диссертацияларида озарбайжон вақтли матбуоти тили турли аспектларда ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида В.Решетов газета тилининг лексик таркибини таҳлил қилишга доир диссертациясини химоя қилган¹⁹. А.Боровков тадқиқотида эса ўзбек матбуоти тилининг сиёсий лексикаси таҳлили масаласи ўрганилган²⁰. М.Мирзаевнинг илмий ишида матбуотдаги байналминал сўзлар ва терминларнинг тематик гуруҳлари ва уларнинг матбуот тилида қўлланилиши ўрганилган²¹. Б.Турдалиев «1905-1917 йиллардаги маҳаллий матбуот тилининг морфологик хусусиятлари»ни, М.Раҳмонов, Ғ.Каримов, С.Мухамедов ва И.Тошалиев газета материаллари мавзусининг услубини илмий тадқиқ этишган²². А.Бобоева, Л.Емельянцева, К.Юсупов, Т.Қурбанов²³, А.Абдусайдовнинг²⁴ илмий ишлари матбуот тилининг турли аспектларини ўрганишга бағишланган.

Қорақалпоқ тилшунослигида функционал услублар масаласи ҳозирги кунгача кам ўрганилган соҳалардан бири. Бунга профессор Е.Бердимуратовнинг «Адабий тил функционал услубларининг ривожланиши билан қорақалпоқ лексикаси тараққиёти» монографияси ва А.Бекбергеновнинг «Қорақалпоқ тилининг услубияти» ўқув қўлланмасини таъкидлаш жоиз. Проф. Е.Бердимуратовнинг ушбу монографиясида қорақалпоқ адабий тилининг функционал услублари илк бора тадқиқ этилган. Муаллиф монографиясида публицистик услуб, бадий адабиёт услуби, илмий ва расмий услубларга хос бўлган лексик бирликларнинг ривожланиши, унинг сабаблари ва йўллари аниқлаган. А.Бекбергеновнинг «Қорақалпоқ тилининг услубияти» номли ўқув қўлланмасида функционал услублар ва уларнинг бир-бирдан фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган. Ушбу қўлланма қорақалпоқ услубияти бўйича дастлабки ўқув қўлланма эканлиги билан салмоқли ҳисобланади.

¹⁵ Аскарлов М.А. Газета «Казан-моҳбире» (Казанский вестник) и её роль в развитии татарского публицистики начало XX века: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Казань, 2004.

¹⁶ Салманова Г.А. Роль печати в обогащении словарного состава азербайджанского литературного языка: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Баку, 1958.

¹⁷ Оруджев А. Язык газеты «Эккинчи»: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Баку, 1947.

¹⁸ Алиев Т.З. Язык газеты «Кяшкюль» (XIX в.): Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Баку, 1973.

¹⁹ Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы. Проблемы языка. – Ташкент: Учитель, 1934.

²⁰ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Т., 1940.

²¹ Мирзаев М.М. Советско-интернациональные слова в узбекской периодической печати (1945-1950 гг.): Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1951.

²² Рахманов М. Синтаксические особенности языка газеты «Туркистон вилоятининг газети»: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1971; Каримов Ғ. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 20-30-х годов: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1972; Мухамедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов. – Ташкент, 1980; Тошалиев И. Сарлаваҳа стилистикаси. – Ташкент: Зар калам, 1995.

²³ Бобоева А. Газета тилида стандарт конструкциялар / Тилшунослик масалалари. – Ташкент, 1978, – Б. 72; яна ўша Газета тили хақида. – Ташкент: Фан, 1983. – Б. 55; Емельянцева Л.П. Языковые и стилистические средства информационных жанров газет, радио и телевидения (на материале производственной информации Узбекистана): Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1979. – Б.16; Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексика-семантика ва стилистик хусусиятлари. – Ташкент: Фан, 1986. – Б. 123; Қурбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1987. – С.20

²⁴ Абдусайдов А. Язык газеты и литературные нормы (на материале местных и республиканских газет 70-80-х годов): Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1988. – С. 26.

Қорақалпоқ тилшунослигида публицистик услуб, вақтли матбуот тили ва услуби ҳақидаги тадқиқотлар қаторида профессор М.Айимбетовнинг «Қорақалпоқ публицистик матни лексикаси ва морфологиясини лингвостатистик таҳлил этиш тажрибаси»²⁵ мавзусидаги диссертациясини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, қорақалпоқ ёзма адабий тилининг функционал услублари бўйича илмий-тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, улар қаторида Қ.Бекбергенов²⁶ ва Б.Юсупованинг²⁷ номзодлик диссертацияларини келтириб ўтиш мумкин. 2016 йилда Т.Машарипованинг «Публицистика назариясининг бир бутун концепцияси: илмий методологик таҳлил (Қорақалпоғистон матбуоти материаллари мисолида)»²⁸ номли монографияси чоп этилди. Ушбу монографиянинг бешинчи бобида публицистик асарларнинг мазмуни ва шакли тадқиқ этилиб, унда медиа тили ва услуби, медиа жанрлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Қорақалпоқ тилида газеталарнинг чоп этилганлигига деярли юз йил тўлган бўлса да қорақалпоқ вақтли матбуоти тилини махсус ўрганишга доир илмий мақолалардан ташқари, санокли диссертациялар ёзилди²⁹. Бу ҳолат диссертация мавзусининг қорақалпоқ тилшунослиги учун ўта долзарблигини яна бир бор исботлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Адабий тилнинг функционал услублари орасида вақтли матбуот тилининг ўрни» деб номланади. Унинг «*Вақтли матбуот тилининг асосий хусусиятлари*» деб номланган биринчи бўлимида матбуот тилининг адабий шаклдаги тайёр тил бирликларидан фойдаланибгина қолмай, ўзининг кенг имкониятларидан ўринли фойдаланган ҳолда тилни янада ривожлантириши ва бойитиши ўрганилган. Матбуотда оғзаки тилнинг барча кўринишлари қўлланилмайди. Чунки зарурат туғилганида тилдаги баъзи лексик бирликлар фаол, баъзилари кам ишлатилади. Масалан, публицистик услубда феъл буйруқ майлининг *син//син* аффикси ўта фаол: *Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети еки ҳапте ишинде усы пәрманның орынланьўын шөлкемлестириў бойынша қарар қабыл етсин* (ЕҚ., 24.04.2018); *Усы пәрманның орынланьўын қадағалаў Ўзбекистан Республикасының Бас министри А.Н.Ариповқа ҳам Ўзбекистан Республикасының Бас прокуроры О.Б.Мурадовқа жүкленсин*. *Пәрманнан келип шығатуғын өзгерислер ҳам қосымшалар ҳаққында Министрлер Кабинетине усыныслар киргизилсин* (ЕҚ., 21.04.2018).

Вақтли матбуот тилида сўз ясалишининг баъзи янги намуналари пайдо бўлиши кузатилади. Масалан, *шы//ши, лық//лик, ма//ме* ва ҳоказо аффикслар фаолиятининг кенгайиши: *дизайншы, рекламашы, төрешы, спортшы*,

²⁵ Айимбетов М. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1991. – С.128.

²⁶ Бекбергенов Қ. Ҳозирги каракалпак адабий тилинде илмий стильдин лексика-семантикалык ҳам грамматикалык өзгешеликлери. Филол.илим.канд. ... дисс. – Нукус, 2001.

²⁷ Юсупова Б. Керем шығармаларда келбетликлердин стильлик қолланылыўы: Филол.илим. канд. ... дис.автореф. – Н.: НМПИ, 2001. – Б. 23.

²⁸ Машарипова Т.Ж. Публицистика теориясының бир пүтин концепциясы: илмий методологиялык анализ Каракалпакстан баспасези материаллары мысалында). – Ташкент: Mumtaz so'z, 2016. – Б. 290.

²⁹ Айимбетов М. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1991. – С.128; Оразымбетова З.Қ. Каракалпак күнделиги баспасези тилинин қалиплесиўи (1924-1940-жыллар материаллары тийкарында). Филол.илим.канд. ... дисс. – Нукус, 2006.

бәнтдик, халықаралық, баслама ва шу кабилар. Шунингдек, сўз маъноларининг кенгайиши, сўз ясаиш усуллари, макол ва фразеологизмларнинг қўлланилиши, матбуот тили лексик таркибининг бойиши, грамматик таркибининг ўзгариши қорақалпоқ адабий тилининг ривожланишига муайян даражада таъсир кўрсатди. Матбуот тили мунтазам қўлланиладиган ном, сўз, сўз бирликлари ва маълум бир шаклдаги бирликларнинг («газетизм»ларнинг) бўлиши билан фарқланади. Улар матбуотда материалнинг қисқа, ихчам, аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлайди. Матбуотнинг стандарт бирликлари турли функционал услублар асосида шаклланади. Улар газеталарда кенг қўлланишда бўлганлигидан сўнг фикрни тез ва қисқа баён қилишга, воқеани тез тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, улар образли ва бадий бўёқларга эга бўлмайди. Мана шундай тил бирликларидан бири – штамплар. Штамплар – мунтазам қўлланиладиган матбуот тилининг ўзига хос кўриниши бўлиб, адабий услубнинг маълум бир турига оид бўлмасида, фикрни аниқ, лўнда, қисқа етказиб беришда фаол ҳисобланади. Қорақалпоқ матбуоти тилида: *бүгин, бурын, жақында, атап өтти, болып өтти, атап айтқанда, қаралды, ҳақыйқатында да, алдын хабар етилгениндей, мәлим болганындай* каби штамп сўзларни учратамиз. Матбуот тили мана шундай хусусиятларга эга бўлиб, функционал услублар тизимининг алоҳида бир кўринишига айланган. Аммо, у адабий тилнинг бошқа функционал кўринишларидан бутунлай ажралиб кетмайди. Шу сабабли тадқиқот иккинчи бобининг иккинчи бўлими «*Вақтли матбуотда адабий тилнинг бошқа функционал услубларининг қўлланилиши*» деб номланади. Ҳар бир функционал услуб мақсад-вазифаларига кўра танланган ва шаклланган тил воситаларига эга. Илмий нуқтаи назардан қорақалпоқ тилидаги функционал услубларнинг лексик-семантик хусусиятларини профессор Е.Бердимуратов ўз монографиясида³⁰ кенг ёритган. У қорақалпоқ тилидаги функционал услубларни: *публицистик, бадий адабиёт, илмий-терминологик, ишлаб чиқариш ва техник, расмий услуб* деб бешга ажратган ва функционал услубларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан қорақалпоқ адабий тили луғавий таркибининг бойишини зарурий материаллар асосида кўрсатиб ўтган. Ушбу тадқиқот қорақалпоқ тилшунослигидаги функционал услубларни илмий тадқиқ этиш учун асос бўлди. Ҳаётимиздаги барча мураккаб ижтимоий-сиёсий алоқалар турли соҳаларда турли шакл ва услубларда намоён бўлади. Вақтли матбуот – ижтимоий-ғоявий, маданий-маърифий нуқтаи назарнинг шаклланишида асосий тарғибот воситаси ҳисобланади. Матбуотнинг ижтимоий ва маданий алоқалари, аввало, адабий тил орқали юзага келади. Бунда функционал услубларнинг барча турлари иштирок этади. Ижтимоий ахборот ва ходисаларни халққа етказишда тил бирликлари ва воситаларидан кенг, фаол фойдаланилади, ҳатто уларни аввалги шаклида эмас, балки қайта ишлаб

³⁰ Бердимуратов Е. Өдбний тилдин функциональлик стильерининг раўжланыўы менен қарақалпақ лексикасынын раўжланыўы. – Некис: Қарақалпақстан, 1973. – Б.123.

фойдаланиш матбуот тилига хосдир. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш жоиз:

ҳодиса ва жараёнларни тасвирлаганда унинг кенг оммага йўналтирилиши, бунда мақсад ва мазмун жиҳатдангина эмас, услубий жиҳатдан ҳам эътибор қаратиш;

баён қилиш ёки тасвирлашда тил бирликлари ва услубларидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш;

функционал услублар ва тил воситаларидан фойдаланганда оддийлик, аниқлик, тушунарлилик ва лўндаликка эришиш;

таъсирчанликни таъминлашда тилдаги мавжуд сўз ва бирликлардан фойдаланибгина қолмай, улар асосида янги сўз ва бирликларни ҳосил қилиш;

функционал услубларнинг барча тур ва шакллари ўзида жамлаган ҳолда ўзига хос услубларини шакллантириб ва такомиллаштириб бориш.

Мазкур бобнинг учинчи бўлими «*Вақтли матбуотда бадий адабиёт услуби бирликларининг қўлланилиши*»га бағишланган. Бадий адабиёт услуби образли, таъсирли, оммага тушунарлиги билан фарқланади³¹. Аммо мавзунини очиб бериш, воқеани тушунтириш, уни кенг аудиторияга етказишда матбуот тили ва бадий асар тилининг услублари бир хил эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бадий асар тили билан матбуот тилининг бири-бирига ўхшаш жиҳатлари ҳам бор. Яъни иккисининг ҳам асосий манбаси – адабий тилдир. Демак, бадий асар билан матбуот адабий тилдан кенг фойдаланади. Машҳур олим К.Фединнинг тасдиқлашича, *бадий адабиёт – бу сўз санъатидир*³². Демак, тилдаги сўз ва тил бирликларидан ўринли фойдаланган ҳолда бадий сўз устаси уни янада жонлантиради, шунинг негизида янги маънодаги тил бирликларини шакллантиради. Бу, айниқса, муаллифнинг тажрибаси, қобилияти ва маҳоратига боғлиқ. Матбуот тилида эса ихчамлик, аниқлик, факт асосий омил бўлиб, аммо, бунда унинг бадий адабиёт услубидан фарқи, кўпинча шаклланган, мунтазам қўлланиладиган, тилдаги тайёр моделлар асосида тузилган бирликлардан фойдаланиш хосдир. Демак, матбуот тили кўриниши ва тузилиши жиҳатидан мунтазам қўлланиладиган, газета материалларида доимо фойдаланиладиган тил бирликларига эга бўлади. Иккинчи томондан, таъсирчанликни таъминловчи хусусиятнинг мавжудлигини тадқиқотчилар ўз илмий ишларида кўрсатиб ўтади³³. Унда қарар қабыл этиш, амелге асыруш, нәтижаселерге еришуш, мийнет табыслары менен кўтип алыш, мийнет майданында тақ туруш, жыйын-терип алыш каби бирликлар билан бирга, экспрессия ҳосил қилувчи ақ алтын, ақ алтын дўрданалары, көк жалын, көк экран, дала мәлийкасы, алтын қоллар, теңиз маржанлары каби кўпгина сўз бирикмалари қўлланилади. Бу икки жиҳатнинг бирлиги матбуот тилининг хусусиятини намоён этувчи мунтазам бирликларни шакллантиради. Шундай қилиб,

³¹ Кожина М. Н. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими. – Пермь: Университет, 1972. – С. 204.

³² Федин К. Собрания сочинений в девяти томах. IV том. – Москва: Гослитиздат, 1962. – С. 570.

³³ Қарант: Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе (некоторые особенности языка современной газетной публицистики). – Москва: МГУ, 1971; Шомаксудов А. Узбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. I бўлим. – Б. 54.

матбуот тили хусусиятларига кўра бир вақтнинг ўзига иккита вазифани бажаради. Биринчидан, маълум бир воқеа, ҳодиса, жараён ҳақида ахборот беради. Иккинчидан, мазкур воқеани баён қилиш, тасвирлаш жараёнида таъсирчанликни юзага келтиради. Демак, биринчидан, матбуот ўзининг асосий вазифасини бажариб, иккинчи томондан, воқеаларни тасвирлашда тилдаги сўзлардан, сўз бирликларидан ниҳоятда мохирона фойдаланган ҳолда тилимизни янада ривожлантиради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Матбуот жанрларининг тили ва услуги**» деб номланиб, мазкур боб тўртта бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «*Ахборот жанрларининг тили ва услуги*» деб номланади ва унда хабар, репортаж, интервью, ҳисобот жанрларининг тил ва услубий хусусиятлари таҳлил этилди.

Хабар – вақтли матбуотда кенг тарқалган жанр бўлиб, у асосий ахборот манбасидир. Унда бир ёки бир нечта фактлар қисқа ва лўнда ифодаланади. Хабарнинг таъсирчанлиги тил орқали намоён этилиб, воқеа фактлар асосида баён қилинади. Унинг мазмунига қараб руқ ва мавзу қўйилади. Масалан, мунтазам руқлар: «*ЎЗА хабарлайди*» (ЕҚ), «*Қашан? Қай жерде? Не болды?*» (КЖ), «*Нөкис күнделиги*» (НХ), «*Дунья жаңалықлары*» (КЖ) ва ҳоказо. Қуннинг долзарб масаласига оид: «*Президент ушырасыўы*» (ЕҚ), «*Олий Мәжлис сенатында*» (НХ), «*Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесинде*» (ЕҚ), мавсумий руқларга: «*Зүрәт-2017*» (ЕҚ), «*Егис-2018*» (ЕҚ), «*Жазылы мапазы*» (КЖ) ва бошқаларни келтириш мумкин. Мавзуда содда гап, сўроқ гаплардан фойдаланилади: «*Академик пенен ушырасыўы*», «*Өрнек*» (УЖ., 18.02.2017.), «*Ким тапқыр?*» (УЖ., 25.02.2017.) ва шу қабилар. Хабарда эмоционал-экспрессив маъноли сўзлар кам қўлланилишини таъкидлаш лозим. Матбуот хабарларига мос белгилардан бири маданият ва спорт янгиликлари, халқаро хабар, ижтимоий-сийёсий воқеалар билан боғлиқ ахборотлар икки, учта содда гапдан ёки бир-икки қўшма гапдан иборат: «*Японияның Батыс ҳам Түслигинде жуз берген суў тасқыны апатынан 23 адам набыт болып, 14 адам дерексиз жоғалды. Бул ҳәдийсе ақыбетинен халық хожалығы, байланыс, транспорт тармақлары әдеўир мугдарда зыян көрди. Ҳәзир ол жерде тиклеў жумыслары алып барылмақта*» (ЕҚ., 21.03.2013).

Матбуот хабарларида синоним сўзларни кетма-кет қўллаш ёки плеоназмдан фойдаланиш эътиборни кўпроқ жалб этади: «*Мәжлисте усы көрсетилген қәте-кемишликлерди сапластырыў бойынша усыныслар берилди*» (ЕҚ., 11.06.2005), «*...бәримиздиң азаматлық ар-намысымыз, перзентлик миннетимизге айланыўы тийис*» (ЕҚ., 12.05.1991) ва ҳоказо. Сарлавҳада сўроқ гаплардан фойдаланилади: «*Китап дуканы жетерли ме?*» (УЖ., 5.12.2015), «*Күшли жигирмалықта ким бар?*» (УЖ., 1.08.2015).

Репортаж – ахборий жанрларидан бири сифатида, бир томондан, адабий тилни бойитувчи, иккинчи томондан, журналистикани ривожлантирувчи жанр. Чунки мазкур жанрнинг имкониятлари кенг ва чекланмаган. У матбуотнинг хоҳлаган жанрлари билан, масалан, интервью ёки хабар жанри билан синтезлаша олади. Шу каби лингвистик жиҳатдан унинг адабий тил

услуглари билан боғликлиги жуда катта. Сабаби у биринчидан, ёзма адабий тилнинг, маълум даражада китобий тилнинг дастурларини давом эттиради, иккинчидан, оғзаки услуга хос тил воситаларидан фойдаланади. Учунчидан, тил воситаларидан фойдаланиш орқали давр, замон кўринишини ўзида намоён этади. Бугунги кунда қорақалпоқ матбуотида репортаж ўта фаол кўринишга эга. Унда қишлоқ хўжалиги, йиғим-терим ишлари, расмий учрашувлар, анжуманлар, байрам тантаналари ва спорт мусобақалари тўғрисидаги ахборотлар берилади. Уларда экспрессивлик ҳосил қилувчи тил воситаларидан кенг фойдаланилади. Репортажда тантанали ҳолатни тасвирловчи, мазмунни аниқ ва тўлиқ ифодаловчи сарлавҳалар ишлатилади. Масалан: *«Наўрыз салтанатына бөлэнди элем! ямаса Әлийшер Наўайы атындағы Өзбекстан Миллий бағында болып өткен Наўрыз байрамы салтанатларынан репортаж»* (ЕК., 20.03.2012.); *«Бэйгиде киятыр тулпарлар...»* (ҚЖ.,20.03.2004). Туман газеталарида репортаж сарлавҳаси мазмун билан киёсланганда анча тор. Кучли бадийликка эга синонимлардан самарали фойдаланиш репортажнинг тилига хос. Айниқса, жуфт синонимлар эмоционал ва экспрессивликни кучайтириш, тантанали ҳолатларни тасвирлашга самарали хизмат қилади³⁴. Бадий образли, ихчам сўзлар ва тил бирликларидан фойдаланиш репортаж жанрининг таъсирчанлигини оширади: *«Садагаң кетейин, декоратив ағашлар көшеге сән, қоршаған орталыққа таза ҳаўа береди. Еки тәрепи саяманлы тереклер, жаздың жәзийрама ыссысында төбеңди ысыдан қорғап қалмай, жүргенде өкпеңди таза ҳаўага толтырады. Жасыратуғыны жоқ, соңғы ўақытта пайтахтымыздың қақ ортасынан ағып өтетугын «Дослық» каналы бойында декоратив ағаш хәм ҳәр түрли нәллердиң егилюйи, мийманлар тўўе ҳәттеки, Нөкислилерди де ҳайран қалдырарлық дәрежеге жетти»* (ЕК., 9.06.2015). Репортаж жанрининг тури, мазмуни ва ахамиятига кўра журналистнинг ўзи ҳар вақеада иштирок этади. Бу репортажнинг услубини аниқлайди, сюжетни ҳаракатга келтиради, таъсирчанликни юзага чиқаради, бошқа жанрларнинг элементларини ўзида мужассам қилади. Ижтимоий ҳаётни кузатиш, ходисага тўғри муносабат билдириш репортажнинг асосий белгисидир.

Интервью – вақтли матбуотдаги энг фаол жанрлардан бири. Унинг хусусияти, энг аввало, унда муҳим мавзунинг кўтарилиши, аниқ мақсадга йўналтирилиши, ҳаракатчанлиги, ижтимоий мазмуннинг аниқлиги ва аудиторияни қизиқтиришидадир. Журналистикада интервьюнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, диссертацияда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилган. Интервьюга қўйиладиган асосий талаблардан бири – унинг тили ва услуби аниқ, ичхам, лўнда ва таъсирли бўлишидадир. Сухбат таъсирли бўлиши журналист ва интервью берувчиларнинг адабий тилни яхши билиши, тил бирликлари ва сўзлардан тўғри фойдаланиши билан боғлиқ. Интервьюда журналист турли соҳа вакилларининг услубини

³⁴ Даниярова А. *Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке*. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. – С. 24.

кўрсатади. Қорақалпоқ матбуотида интервьюнинг ихчам рукнлари: «*Бизиң интервью*», «*Әҳмийетли сәўбет*» ёки маълум сана муносабати билан суҳбатлар бўлганида «*14-январь – Ҳатан қорғайшылары күни*» каби рукн кўйилади. Кўпинча рукн ўрнига сарлавҳа астида тушунчалар берилади: «*Кулақ еситкенди көз көрген заманда жасап атырмыз. Не түрли шаркадағы арнаўлы техникалар ҳарекетте. Дала шетиндеги қурылыс штабының бағаналарына асыўлы ис қагазлары менен алдын-ала танысып, штаб баслығы, «Өзбекстан темир жоллары» акционерлик жәмийети Қоңырат регионаллық темир жол узелинің баслығы Қудайназаров Бердақ Лепесбаевич пенен сәўбетлестик*» (ЕК., 2.02.2017). Интервью сарлавҳаси содда гап, сўрок гап, баъзан эллиптик қўшма гаплардан иборат бўлиб, мазмунни аниқ ёритиши, диққатни тез жалб қилиши билан ажралиб туради. Баъзи сарлавҳалар респондент сўзидан олинади. Матбуот интервьюларида сарлавҳа танлашда аллитерация усулидан фойдаланилади: «*Жаңа жыл журтымызды жаңа жетискенликлерге жеткерсин*» (КЖ., 1.01.2018), «*Дәрбенттеги дараланған дәрғай*» (КЖ., 26.06.2016), «*Мойнақтың мақтаўлы муғаллими*» (КЖ., 29.04.2018) ва бошқалар. Сўрок гаплар мазмунни тўғри йўналтиришга хизмат қилади: «*Өмирдеги ураныңыз?*», «*Китап оқып турасыз ба?*» (УЖ., 21.05.2016). Баъзи интервьюларда журналист эллиптик сўрок гаплардан фойдаланади: *Хәзир не? Устазларыңыз ҳаққында? Тилеклериңыз?* ва бошқалар.

Ҳисоботда ижтимоий-сиёсий воқеалар, йиғилиш, пленум, митинг, кенгаш, учрашув ва бошқа муҳим воқеалар ёритилади. Сўнгги йилларда журналистлар мазкур жанрнинг тили ва услубига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳисоботнинг тили ва услубига қўйиладиган талаб, энг аввало, унинг ахборий жанр эканлигидан келиб чиқади. Унда адабий тилдан ўзига хос тарзда фойдаланилади. Ҳисоботда рух ва сарлавҳа ихчам, содда гаплардан тузилади: «*Музыка тәлими гәрезсизлик жылларында*» (ЕК., 28.01.2017). Баъзи сарлавҳаларда мазмун ҳақида тушунча берилади: «*Суў ресурсларынан ақылга уграс пайдаланыў мәселелери додаланды*» (ЕК., 9.11.2010.), «*Депутатлар жаңа нызам жойбарын көрип шықты*» (ЕК., 11.06.2010.) ва шу кабилар.

Диссертациянинг учинчи бобининг иккинчи бўлими «*Таҳлилий жанрларнинг тили ва услуби*» масаласига бағишланган. Таҳлилий жанрлар жамиятдаги турли муаммоларни акс эттириш, фактлар асосида жонли тасвирлаш, таҳлил асосида умумлаштириш ва хулоса чиқаришда муҳим ўрин эгаллайди. Мақола – газетанинг энг асосий таҳлилий жанрларидан бири бўлиб, унга умумий таъриф берадиган бўлсак, у тўппам, журнал, газета ва шунга ўхшаш нашрлар учун ёзилган ёки чоп этилган, ҳажми унчалик катта бўлмаган илмий ёки публицистик ижод намунасиدير. Илмий манбаларда мақоланинг бир нечта тури кўрсатилган. Масалан, *бош мақола, муаммоли мақола, илмий мақола, танқидий мақола, сиёсий мақола* ва ҳоказо. Аммо, унинг турларга бўлиниши вазифаси, мақсади, масаланинг тўғри қўйилиши билан белгиланади. Мақоладаги энг асосий элемент сарлавҳа бўлиб, унинг вазифаси мазмунни ёритиш, диққатни жалб қилиш ва мазмун ҳақидаги

дастлабки маълумотни беришдир³⁵. Мақолада бир сўздан иборат сарлавҳалар: «*Уйқисизлық*» (УЖ., 12.04.2004), «*Миннетдаршылық*» (ҚЖ., 9.05. 2001), «*Алғыснама*» (ЕК., 19.06.2002) кўйилиши мумкин, аммо, бош мақола, танқидий мақола, илмий мақолаларда бундай сарлавҳалар кўйилмайди. Сўроқ ва буйруқ гаплардан фақат зарурат туғилгандагина фойдаланилади. Қоракалпоқ вақтли матбуотида сўнгги йиллардаги мақолаларда эмоционал-экспрессив сўзлар, лексик бирликлар ўз ўрнида қўлланилган, синонимлар, мақоллар, архаизм ва шева сўзлар ҳам ўринли ишлатилган: «*Саз-сәўбетли кеше*» (М ва С., 20.08.2011), «*Жақсының жақсысын айт, ийманы тассын*» (ҚУ., май, 2012), «*Мөлдек жер – гәзийне кәни*» (ЕК., 12.04.2011) ва бошқалар. Мақолада сўроқ гапларнинг таъсирчанлики таъминлашдаги роли катта. Масалан: «*Шаңарақта санитария шараяты қандай болыўы керек ямаса мәденият неден басланады?*» (УЖ., 21.01.2012), «*Таллаўлар нени көрсетеди?*» (ЕК., 11.11.2014) ва ҳоказо.

Корреспонденция – матбуотнинг кенг тарқалган жанрларидан ажралиб туради ва унда бир ёки бир нечта факт таҳлил қилинади. У аниқ манзилга эга бўлиб, баён қилиш услуби жиҳатидан жонли бўлади. Корреспонденция тилига қўйиладиган талаблар унинг жанр хусусиятларидан келиб чиқади. Унда фактларни келтириш, воқеаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ, образли, таъсирли тасвирлаш талаб этилади. Корреспонденцияда замон кўриниши ва давр руҳи тасвирлаш талабларидан келиб чиқадиган рунқлар орқали ифодаланади. Масалан: «*Әдебият ҳам дәўир*», «*Суў – тиришлик арқаўы*» (ЕК). Улар орасида замон шиорига айланганлари ҳам бор: «*Жойбар ҳарекетте*», «*Ғәрезсизлик жаратқан имканиятлар*», «*Жаслар – журт келешеге*» (ЕК), «*Шыныққан шыңға шығады*» (ҚЖ) ва шу қабилар. Сўнгги йилларда вақтли матбуотда мазмунли, ихчам рунқлар: «*Жаңа әсир босағасында*» (ЕК, 29.04.1999), «*Жақсылар изи менен*» (ЕК., 20.11.2014), «*Көшпес мүлк – кетпес дәўлет*» (ЕК, 12.07.2014) пайдо бўлди. Корреспонденциядаги таъсирчан, ихчам кўринишдаги сарлавҳалар илк маълумотни аниқ тасвирлаш билан эътиборни жалб қилади. Масалан: «*Мийнетине жараса рәхәти*», «*Нур сәўлели ҳақыйқатлық*» (УЖ., 15.08.2015) «*Жас болса да, иске бас болып...*» (ЕК., 19.01.2017). Корреспонденциянинг ўзига хос хусусиятларидан бири, мақоллар ва фразеологизмлардан сарлавҳа сифатида фойдаланишдир: «*Тек жүрген, тоқ жүреди*» (ЕК., 6.05.2017), «*Жалғыз аттың шаңы шықпас*» (УЖ., 11.06.2016). Мақоллардан фойдаланишда фарқли жиҳаги шуки, улар асосида бадий-образли мазмун шаклантирилади. Масалан: «*Өнерли кисе хор болмайды*» (ЖК., 1.04.2015), «*Өзи бий, өзи хожа фермер*» (ЕК., 16.12.2014), «*Адам саўдасы – әсир машқаласы*» (ЕК., 4.01.2014). Шунингдек, сўроқ гап, ундов гап, бошқа бадий-образли сўзлардан ҳам сарлавҳа сифатида фойдаланилади: «*Өқитиў машқалаларын ортақласайық*» (УЖ., 20.08.2016.), «*Муғаллимнің мийнети, искерлиги, кәсиплик шеберлиги, оны анықлаў жолында нелерге итибар*

³⁵ Тошалиев И.Э. Сарлавҳа стилистикаси. – Тошкент: ТошДУ, 1990. – Б. 24.

берийимиз керек?» (УЖ., 11.06.2016). Корреспонденцияда қўшма гап туридаги сарлавхалар деярли ишлатилмайди. Баъзи қўлланилганлари ҳам қисқарган, ихчам кўринишда: *«Машқалалар шешимин тапса...»* (ЕҚ., 5.03.2015.), *«Жерди қадирлесең...»* (ЕҚ., 29.11.2014). Корреспонденция тили хабар жанрига хос хусусиятларни (фактлардан фойдаланиш, бетараф маъноли тил воситаларидан фойдаланиш) намоён этсада, мазмунни очиш, таҳлил қилиш жиҳатларига кўра мақола жанрига яқин. Унинг хабардан фарқи ўхшатиш ва метафоралардан фойдаланади ҳамда жанр имкониятларидан келиб чиқиб, бирор таҳлилга асосланиб маълумот берилади.

Рецензия – ижтимоий-сиёсий, бадий-адабий, илмий ижод намуналарига, шунингдек, театр постановкалари, кинофильмлар, телекўрсатувлар, адабий кўргазмалар, концертларга баҳо берадиган, зарур бўлганда танқид қиладиган тахлилий жанрдир. Рецензия – монография, илмий мақола, диссертацияларга ёзилиб, асосан илмий манбаларнинг ютуқ ва камчиликларига баҳо беради³⁶. Асосан рецензиянинг *адабий танқид, театр танқиди, кино, мушиқа рецензияси* ва х.к. турлари мавжуд. Қорақалпоқ матбуотида кўпроқ бадий-адабий асар ва илмий асарларга рецензия ёзилади. Рецензиянинг бошқа турлари бизнинг матбуотда кам бўлгани учун ёз ишда ушбу икки соҳа рецензияси тўғрисида фикр юритдик. Рецензиянинг тили ва услуги бошқа жанрлардан бутунлай ажралиб турмайди. Аммо, таҳлил қилинаётган асар тўғрисида, унинг ютуқ ва камчиликлари қай даражада бўлишига қарамай тилнинг бадий воситаларидан, таъсирчан бирликларидан фойдаланган ҳолда фикр юритилади. Рецензия сарлавҳасидан мавзу объекти ёки ўрни аниқланиб туради: *«Уллылықты улыглаў ямаса «Ҳэзирети сазер» китабы туўралы ойлар* (ЕҚ., 12.06.2014) *«И.Юсунов шығармаларының тили ҳаққында мийнет»*, *«Ғэрип ашық» спектаклинен соңғы ойлар* («ЕҚ», 22.09.2018). Рецензияда морфологик жиҳатдан қараганда кўпроқ феъллар, лексик жиҳатдан қараганда эса фразеологик бирликлар ва мақолларни учратамиз. Рецензияда бетараф маъноли сўзлардан, сўз бирликларидан ўринли фойдаланиш билан бирга эмоционал-экспрессив тил бирликларидан фойдаланиш хусусияти мавжуд. Масалан: *аўзынан ана сүти кетпеген, жанын суўырып алгандай, сынасаң сынып кетежақ, булақ суўындай тынық* ва ҳоказо.

Диссертациянинг учинчи бобининг учинчи бўлими *«Бадий-публицистик жанрлар тили ва услуги»* деб номланади. Мазкур бўлимда лавҳа ва очеркнинг жанр, тил ва услубий хусусиятлари таҳлил қилинган. Масалан, лавҳа жанри ўзбек ва қорақалпоқ журналистикасида жуда кам тадқиқ қилинган. Лавҳанинг алоҳида хусусиятларидан бири унга кўпинча жанр номи билан рукн қўйилишида. Айниқса, туман газеталарида бу ҳолат кўп учрайди. Айрим газеталарда «лавҳа» рукни алоҳида қўйилиб, унга ихчам тил бирликларидан қўшимча рукн қўйилган. Масалан: *«Турмыс абаданлығы – халық параўанлығы»* (ШН., 30.04.2018), *«Сөз – кэсиплеслер ҳаққында»*

³⁶ Мукаррамов М. Хозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 27.

(XX., 29.09.2018), «Ласетти мүбәрек, Жолдасбай!» (ШН., 30.04.2018). Лавҳа бадий-публицистик жанр бўлганлиги боис унинг сарлавҳасида бадийлик акс этади. Сарлавҳа сифатида қўлланган сўз, сўз бирикмалари ва гаплар услубий маънога эга бўлиб, эътиборни жалб этади. Унда кўпроқ содда гаплар: «Қырманга үлес» (УЖ., 3.10.2017), «Турақ жайлар бой тиклемекте» (АТ., 16.11.2018); «Жеткербайдан үлги алсақ арзийди», «Туран жеңимпаз болды» (ШН., 25.04.2018); аниқловчи конструкциялар: «Суу – тиришлик арқауы» (ШН., 30.04.2018), «Ығбалы күлген айул ҳаялы» (ҚХ., 30.04.2018), «Устаз – өмир шамшырағы» (ХХ., 29.09.2018); образли бирикмалар: «Жақсының аты өшпейди» (НХ., 14.02.2018), «Шәкиртим деп соққан жүрек» (ШН., 25.04.2018); мақол ва фразеологизмлар, улар асосида ясалган тил бирикмалари: «Китап – мәнаўият бесиги» (ШН., 25.04.2018), «Тилсиз жаў есик қағып келмейди» (ХХ., 29.09.2018) қўлланган. Лавҳа жанрига хос хусусиятлардан яна бири сўз ва сўз бирикмаларининг уйғун тарзда материал мазмунини очиб беришга қаратилганида кўзга ташланади. Масалан: «Суўық сылтаўыңды тыңлап отырмайды. Солай екен, жуўапкерли тараў басылары қыс насылын машқалаларсыз өткеріў ушын шөлкемлестириў жумысларын алып бармақта» (АТ., 16.11.2018). Лавҳанинг таъсирчанлигини таъминлашда мақол, фразеологизм, метафораларнинг аҳамияти катта. Шу жиҳатдан у бадий асар тилига анча якин.

Очерк – вокеаларни фактлар асосида, адабий тил элементларидан унумли фойдаланган холда таъсирчан ифодаловчи бадий-публицистик жанр. Очеркнинг тили образли, ўткир, бадий бўлиб, луғавий қатламлардан кенг фойдаланилади. Эпитет, метафора, мақол ва қаҳрамонларнинг таъсирли сўзлари – очеркнинг баён қилиш воситасидир. Очерк рукнлари кўпроқ жанр атамаси билан, яъни *очерк* сўзи билан берилиб, баъзан қўшимча рукнлар билан таъсир кучи орттирилади: «Дәўир ҳам адамлар», «Депутат ҳам турмыс», «Бизиң заманласымыз» (ЕК). Баъзи ҳолатларда рукнда унинг тури аниқлаштирилади. Масалан: «Илимий очерк», «Суд очерки» ва бошқалар. Очеркнинг сарлавҳаси лавҳа, мақола жанрларидагидек образли, ихчам, аниқ сўз ва сўз бирикмаларидан танланади. Масалан: «Жер шарын алақанында көрген адам» (ЕҚ., 25.06.2011), ««Ийшан қудық»тың мөлдір тамшысы» (ЕҚ., 11.04.2012). Кўпинча отлар: «Барган жери...Байрам» (Ш.Уснатдинов, ЕҚ., 13.05.2000), «Кемпир оқыўшы» (Т.Машарипова, 2011), «Таңжарбай сейис» (ЕҚ., 4.11.2011), «Орынбай қақпанышы» (ЕҚ., 13.07.2010), «Бегжан орыс ҳам Дуся мама» (Ө.Өтеўлиев, ЕҚ., 21.10.2011) ва ясама отлардан: «Сынықшы» (ЕҚ., 11.12.2010) сарлавҳа қўйилади. Очерк жанрига хос хусусиятлардан бири – ижтимоий-сиёсий, халқ хўжалигининг барча жаҳаларига хос терминлар бошқа жанрларга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Очеркда жуфт синонимлар алоҳида услубий вазифани бажаради. Масалан: *азып-тозып*, *хўрмет-итибар*, *ой-пикир*, *жол-жоба*, *бахыт-ығбал*, *аишы-душышы*, *сый-хўрмет* ва ҳоказо. Очеркда метафора, мақол, фразеологизмлар, шунингдек, бадий-тасвирий воситалардан фойдаланиш имконияти катта. Мустақиллик йилларига келиб газета тилида бадий тил элементларидан

фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу нарса, айниқса, матбуот очерклариди аниқ кўзга ташланади.

Реклама тили – қисқа, аниқ, оддий, тушунарли ва бир йўналишга қаратилгани билан ажралиб туради. Шу билан бирга, реклама тили исботли, мантикий жиҳатдан тўғри тузилган ва аниқ бўлади. Тадқиқотнинг учинчи бобининг тўртинчи бўлимида шу каби масалалар газеталардан олинган мисоллар асосида таҳлил қилинди. Реклама тилида адабий тилга хос бўлган кўпгина образли тасвирлаш ва бадий воситалар қўлланилади. Улар фақатгина реклама қилинаётган товарнинг ютуқларини кўрсатибгина қолмасдан, ўқувчининг онгига ушбу товарни «образли» сингдиришга хизмат қилади. Масалан, унда ўхшатиш: *ҳаёдадай жеңил*; гипербола: *мумкиншиликлер теңиз – фантазиялар океан*; метафора: *аспандагы жұлдызлардан да көп*; эпитет: *айрықша өндиристеги зор сапа, оған қосымша фирмалық дүканындағы әжайып хызмет* фойдаланилади. Бундан ташқари, рекламада янги маъно ҳосил қилувчи фразеологик бирикмалардан, топишмоқ, тез айтиш, мақол, шеърдан ўзига хос тарзда фойдаланилади³⁷. Аммо, уларни ўз ўрнида ва тўғри фойдаланиш талаб қилинади. Чунки бу газета учун ҳам, реклама қилинаётган махсулот учун ҳам ўта муҳим. Қорақалпоқ матбуотидаги рекламаларда камчиликлар ҳам мавжуд. Диссертацияда бу ҳолат аниқ мисоллар билан таҳлил этилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Мустақиллик даври вақтли матбуот тилида лексик-фразеологик инновациялар**» деб номланиб, мазкур боб тўрт бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «*Вақтли матбуотда қорақалпоқ тили туб сўзларининг қўлланилиши*» масаласига бағишланган. Тилдаги туб сўзлардан семантик ва грамматик усуллар орқали янги сўзларнинг ясалиши қорақалпоқ вақтли матбуот тилидаги энг самарали усуллардан бири. Шу сабаб мазкур бўлимда бу масала алоҳида тадқиқ этилди ва у «*Даврий матбуотда сўз маъноларининг кенгайлиши*» ва «*Янги сўзларнинг ясалиши орқали матбуот тилининг ривожланиши*» деган иккита бўлимдан ташкил топади. Унда қорақалпоқ матбуотининг ривожланиш босқичларида сўз ясалишининг ҳар хил шаклларида кенг фойдаланиши, янги сўзлар ясалиши орқали вақтли матбуот тилининг давр муҳити, замон кўринишини тасвирлаб бериши таҳлил қилинди.

Вақтли матбуот тилининг ривожланиш босқичларида алоҳида кўзга ташланган ҳолатлардан бири – кўпгина сўз маънолари ўзгарди. Масалан, *аманат, мийнет, жарыс, ақсақал, хожсалық, қуўат, күн, дийхан, қўдирет, гүрес, қурал, меншик, мектеп, мугаллим, кексе* каби сўзлар авваллари яқка шахс ва нарсага нисбатан қўлланилган бўлса, кейинчалик уларнинг фақат ташқи кўриниши сақланиб, маъноси кенгайди. Масалан: *аманат кассасы, мийнет күни, мийнет жарысы, маҳалле ақсақалы, аўыл-хожалық техникасы, электр қуўаты, қосымша күн, бириккен күш* ва бошқалар. Сўзларнинг кўп маънолилиги, унинг бошқа сўзлар билан лексик-семантик ва грамматик алоқаларида яққол кўринади. Шунингдек, тилдаги сўзлар ҳамма вақт тўғри

³⁷ Розенталь Д. Язык рекламных текстов. – Москва: МГУ, 1983. – С. 43.

ёки асосий маънони билдириб, нарсани номлаш билан чекланмайди. Ушбу сўзлар орқали иккинчи бир нарсани номлаш заруратидан келиб чиқиб, маъно кўчиши юз беради. Нагжада сўзнинг янги маъноси ҳосил бўлади. Вақтли матбуот тилида сўзларнинг бундай маънолари таъсирчанликни таъминлаш, ўқувчини зериктирмаслик ва бир хил сўзларнинг такрорланмаслиги учун хизмат қилади: *мийнеттиң қайнаўы, бәҳәрдиң келиўи, жумыстың қызыўы, самалдың есиўи, егинниң писиўи* ва ҳоказо.

Қорақалпоқ тилида сўз ясалишининг бир нечта усули мавжуд. Шулардан энг самарали ва кенг қўлланиладиган тури – **аффиксация усули** бўлиб, бунда сўз асосига аффикслар қўшилади. Сўз ясовчи аффикс қўшилгач юзага келган лексик бирлик унинг асосий маъносига бевосита алоқадор бўлади ва ўша маънони ривожлантиради. Бу усул орқали ҳозирги қорақалпоқ тилида кўпинча от, сифат, равишлар самарали ясалган³⁸. Вақтли матбуот тилида эса янги лексик маънони ифодалашда – *шы//ши* аффикси самарали хисобланади. *-лық//лик* аффикси турли асосларга қўшилиб, янги маъноларни англатган. Равиш ясовчи *-ша//ше, -лай//лей, -лан//лен* аффиксларининг қўлланилиши матбуот тилида фаол. Жуфт ва такрорий сўзлар вақтли матбуот тилида қўлланган тил бирликларининг энг самарали қисмини ташкил этади³⁹. Чунки жуфт ва такрорий сўзлар, энг аввало, оғзаки нутққа хос бўлиб, бундай сўзларнинг ёзма адабий тилга, чунончи, матбуот тилига сингиб бориши ихчамликни таъминлаш, воқеаларнинг аниқ баён этилиши, шу билан бирга, таъсирчанликни яна ҳам оширишга хизмат қилади. Масалан: *толып-тасып, бас-қас, пәндиў-нәсият, тез-тез, ел-журт, азлы-көпلى, әлуан-әлуан, агайин-туўған, топар-топар* ва бошқалар. Жуфт ва такрорий сўзларнинг қўлланиши бошқа тил бирликларига нисбатан вақтли матбуот тилида ўзига хос хусусиятларга эга. Шу билан бирга, бундай сўзларнинг маънолари мавҳум умумий ҳолатларни ҳам ўз ичига олади: *жол-жоба, гәп-сөз, арзыў-арман, сабыр-тақат, қәҳәр-гәзеп, ләм-мим, кәспи-кәри* ва ҳ.к. Илм-фан ютуқларини, сиёсий-ижтимоий тушунчаларни англатадиган жуфт ва такрорий сўзларни лексик қатламга бевосита матбуот орқали кириб келган дейишимиз мумкин. Масалан: *мәдений-ағартыў, сиясий-жәмийетлик, жәмийетлик-экономикалық, оқыў-тәрбия, әдебий-музыкалы, оқыў-методикалық, социал-экономикалық* ва шу қабилар. Бу келтирилган жуфт сўзлардан айримларининг бир компоненти, баъзиларининг икки компоненти ҳам бошқа тиллардан ўзлашган.

Вақтли матбуот тилида қўшма сўзлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан: *баспасөз, қолжазба, халықаралық, демалыс* ва ҳоказо. Улар турли усуллар орқали ясалган ва сўз туркумлари нуқтаи назаридан ҳам турлича. Масалан, отлар: *қарақалпақ, өмирбаян, Хожели, атқулақ, асқазан*; сифатлар: *аққуба, жарымжан, қалемқас, кишипейил, гүдибузар, жалаңбас, көзашық*; олмошлар: *базыбир, гейпара, бирпара, ҳештеме, әлленеткен, ҳәрне, бирнеме, биржәңкил, базбаяғы*; феъллар: *түргел, әкел, апар* ва бошқалар. Шундай

³⁸ Пахратдинов К., Сейтназарова И. Қарақалпақ тилиндеги сөз жасаўшы аффикслер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2010. – Б. 65.

³⁹ Бобоева А. Газета тили ҳақида. Топикент: Фан, 1983. – Б. 67.

қилиб, матбуот тилида янги сўзлар ясалади ва бу сўзлар орқали давр мухити, замон кўринишлари акс эттирилади.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг иккинчи бўлими «*Вақтли матбуотда бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг қўлланилиши*» деб номланиб, у «*Ўзбек тили ва ўзбек тили орқали ўзлашган сўзларнинг қўлланилиши*» ва «*Рус тили ва рус тили орқали ўзлашган сўзларнинг қўлланилиши*» деб номланган иккита бўлимдан иборат.

Сўнгги йилларда қорақалпоқ вақтли матбуотининг лексикасида ўзбек тилининг таъсири кўпроқ сезилади. Масалан: «*Районлық ведомстволар аралық комиссия тәрепинен улыўма билим бериў мектеплеринде, кәсип-онер колледжлеринде давомаат, тўнги рейд, влажларынның өткерилиўи унамлы нәтийже берди*» (ЕҚ., 26.05.2018). Бу ерда *давомаат* сўзи тўғридан тўғри ишлатилган, қорақалпоқ тилида *давомаат* сўзининг *сабаққа қатнас* варианты мавжуд. «*Өзбекстан Республикасы Олий Мажлиси сенаты Кенгашиниң мәжлиси ҳаққында*» (ЕҚ., 19.02.2019). Бу мисолдаги *Олий Мажлис* кўшма сўзи парламентнинг энг олий бошқарув органи бўлганлиги сабабли шундай қўлланиш одатий ҳолга айланган, аммо, *кенгаш* сўзининг қорақалпоқ тилида кеңес варианты мавжуд. «*Шаңарақ қурып атырган еки жасак «озлериңизден өнип-өсиңлер» «келеси жылы әлла тойын тойлайық» деп жасы үлкенлер пәтия береди*» (УЖ.,31.10.2016). Қорақалпоқ тилида *әлла тойы* деган ибора ишлатилмайди, унинг ўрнига *бесик тойы* мавжуд. Тилнинг ривожланиши – ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий-маърифий алоқалар билан бевосита боғлиқ. Демак, қорақалпоқ тилининг, жумладан, вақтли матбуот тилининг лексикасига ўзбек тилининг таъсир этиши табиий ҳолдир.

Қорақалпоқ тилининг лексик таркибидан алоҳида жой олган баъзи арабча сўзларнинг қўлланилиши мустақиллик даврида анча оммалашди. Бу масала диссертацияда вақтли матбуот материалларидан олинган мисоллар ёрдамида тадқиқ этилди. Жумладан: *шәрият, шейит, ширкет, ярамазан, шүқир, ҳәким, ҳәкимият, теберик, тәўип, сәҳәрлик, саўап, руўх, руўхый, обал, пақыр, мүсийбет, мүсәпир, мусылман, муқаддес, мөр, молла, мешит, медресе, марҳум, қуран, қурбанлық, қәбир, кәрамаат, инсап, ийман, илаҳий, имам, заўал, зәкат, жәннет, әўлийе, әрўақ, ақырзаман, азан, қарыз, нуқара* сўзлари мустақилликдан олдинги вақтли матбуот тилида умуман қўлланилмайди. Чунки уларни ва бошқа диний тушунчадаги сўзларни қўллаш маълум даражада тақиқланган эди. Мустақиллик даврида улар барча жанрлардаги матбуот материалларида кенг қўлланилди: «*Теберик инсанларға мүнәсиб сыйлықлар*», «*Руўхый азық инам етти*» (КХ.,14.05.2018), «*Қарыз мүнәсибетти бузады*» (КЖ.,4.10.2018), «*Кутан – мәнәўият бесидиң*», «*Қайырқомлық инсаныйлық парызымыз*» (ШН.,25.04.2018), «*Дәўириமிழдиң теберик инсанлары*» (КХ.,30.04.2018).

Қорақалпоқ вақтли матбуоти лексикасида форсча сўзлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Улар қорақалпоқ тилининг туб сўзлари даражасига айланган, бугунги кунда уларни бошқа тилдан кирган дейиш ҳам қийин. Уларнинг айримлари арабча сўзлар сингари мустақилликдан сўнг қўлланила бошлади: *қудай, бәзим, бәндирғи, бейиши, дозақ, жайнамаз, ийшан, ораза, пайғамбар*,

пәрман, периште шулар жумласига киради. Масалан: «*Бул айда жаннет дәрүазалары ашылып, дозақ дәрүазалары жабылып, шайтанлар ушын жырланады*», «*Ораза ибадаты биринши нәубетте адам ден саулығы ушын пайдалы*» (ҚЖ., 24.05.2018), «*Халқымыздың көп тәқирарлайтуғын сөзи «құдайым, шаңарағмыз тыныш, журтымызды абат ет» деген тилеги*» (УЖ.,21.04.2018), «*Мүбәрек рамазан хайты*», «*Хайт намазлары оқылды*» (ЕҚ.,16.06.2018), «*Пәрман ҳарекетте*» (ЕҚ.,1.05.2018).

Қорақалпоқ ёзма адабий тилида, айникса, матбуот тилида рус тили ва орқали ўзлашган сўзлар маълум ўринни эгаллайди. Рус тили ва бошқа тиллардан сўзларнинг ўзлаштирилишини профессор Е.Бердимуратов учта усулда кўрсатади: а) ўзгаришларсиз тўғри ўзлашиш; б) аралаш ўзлашиш; в) калька усули⁴⁰. Ўтган давр мобайнида қорақалпоқ тили рус тили орқали халқаро терминлар билан бойиди. Бунда таржима ҳам катта аҳамият касб этди. Шу йўл орқали пайдо бўлган сўзлар ҳаётнинг барча соҳаларига мансуб. Булар туркий халқларнинг тиллари ўртасидаги яқинликни ҳаётий фактлар асосида юзага келтирди. Шунинг натижасида янгидан кириб келган сўзлар матбуот терминлари сифатида шаклланди.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг учинчи бўлими «*Вақтли матбуот тилида экспрессивликни таъминловчи тил воситалари*» деб номланиб, унда «*Матбуот тилида фразеологизмларнинг қўлланилиши*», «*Вақтли матбуот тилида қўлланилган фразеологизмлар*», «*Фразеологизмларнинг газета тилида экспрессивликни таъминлаш усуллари*» аниқланди. Шунингдек сўнгги йиллардаги даврий матбуот тилида фразеологизмларнинг экспрессив-услубий имкониятларидан фойдаланиш маҳорати, бу ҳолат газета материалларининг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилиши алоҳида мисоллар билан кўрсатилди. Матбуот тилидаги экспрессивликни таъминлашда муаллифлар маҳорати, сўз усталарининг асарларидан олинган афоризмлар ва бадий асарлардан олинган цитаталар ҳам кўзга ташланади. Масалан: «*Ақылы кәмил илми зор, билимли ел болмайды хор*» (Бердақ), «*Бизден азат ҳам абат Ҳатан қалсын*» (И.Каримов), «*Бул жер еле зор болады*» (И.Юсупов) ва шу кабилар.

Сўнгги йилларда публицистик услубда фразеологик бирликларнинг қўлланишини ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Газета лексикаси ва фразеологияси, газета фразеологияси атамаси аниқлик киритиш, изоҳ ва тушунтиришни талаб қилмайди. Газета фразеологияси – асосан вақтли матбуот матнларида қўлланилган фразеологизмлар ҳисобланади⁴¹. Масалан: *жер менен тиллескен атайы дийқан, ызам сақшылары, қырағы көзлер, ақ алтын, көк корабль, сары алтын, қара алтын* ва ҳоказо. Газета фразеологизмларини тил фразеологизмлари билан таққослаганимизда улар ўртасида умумий белгилар бўлиши билан бирга, фарқли томонлар ҳам кўзга ташланади. Умумий белгилари: газета фразеологизмлари умумтил фразеологизмлари каби пайдо бўлади; кўп ҳолларда метафорик характерга

⁴⁰ Бердимуратов Е. Карақалпақ терминологиясы. – Некис: Карақалпақстан, 1989. – Б. 35.

⁴¹ Абдусайдов А. Фразеологизмлар – матбуот тилида таъсирчан восита. – Самарқанд: СамДУ, 2001. – Б. 48.

эга бўлади; синтактик конструкциялар орқали ясалади. Фарқли белгилари: газета фразеологизмлари асос сўзлар негизда ҳосил бўлади; турли асосдан бир нечта сўз бирикмалари ясалади. Масалан: *алтын* сўзи асосида *ақ алтын* – пахта, *сары алтын* – салы, *қара алтын* – нефть, *көк алтын* – газ ва хоказо. Журналистлар *алтын* деган асосдан халқ хўжалиги учун муҳим бўлган тушунчаларни ифодалашда перифразаларни қўллайди. Газета фразеологизмлари билан умумтил фразеологизмлари ўртасида семантик фарқлар ҳам кузатилади. Масалан, газета фразеологизмлари онгли равишда журналистлар томонидан яратилади. Шу сабабли газета фразеологизмлари ҳамма вақт ўзига хослиги, аниқлиги нуқтаи назаридан яхши шаклланмаслиги ҳам мумкин. Аммо, лексик компонентларнинг алоқа тамойиллари, уларнинг индивидуал-муаллифлик троплар эмас, фразеологик сўз бирликлари эканлиги доимо маълум ҳолдир. Масалан: «*Кеше ким едик, бүгун ким болдық?*», «*Биз ҳеш кимнен кем емеспиз, ҳеш ким бизден артық емес*» (УЖ., 31.10.2016). Таркиби жиҳатидан ҳам умумтил фразеологизмлари ҳамда газета фразеологизмлари бир-биридан фаркланади. Масалан, тил фразеологизмлари бирикма шаклида ҳам, гап шаклида ҳам бўлиши мумкин. Газета фразеологизмлари эса доимо сўз бирикмаси шаклида бўлади: *шегараларды белгилеу*, *ақ қалатлы адамлар* ва шу кабилар. Газета фразеологизмлари ва умумтил фразеологизмлари тилдаги қўлланиш вақти жиҳатидан ҳам фаркланади. Тил фразеологизмларининг айрим компонентлари эскириб, истеъмолдан чиқиб қолса ҳам фразеологизмлар таркибида сакланиб қолади: «*Палапан басына, турымтай тусына*» фразеологизмида *турымтай* куш турини ифодалаб, у ХІ асрда яратилган Маҳмуд Кошғарий лугатида учрайди. Аммо, ушбу кушнинг номи ҳозирги қорақалпоқ тилида учрамайди. Фақат у фразеологизм таркибида сакланган. Газета фразеологизмлари эса газета ўқувчиларининг бир ёки икки авлоди учунгина хизмат қилиб, кейинчалик истеъмолдан чиқиб қолади: *қайта қурыу*, *имперализм ақулалары*, *гәрресизликтиң шарапаты менен*, *миллий өзлигимизди тануу*, *миллий қәдириятларды қайта тиклеу*, *жаңа экономикалық сиясат*, *сауатсызлықты сапластырыу*, *халық хожсалығын қайта тиклеу* ва х.к.

Вақтли матбуот тилида айрим фразеологизмларнинг вариантлари ва синонимлари ишлатилади. Фразеологизм таркибидаги баъзи сўзлар алмаштирилади. Бунинг натижасида фразеологизмларнинг маъноси кучайиб, экспрессив-услубий баҳоси ортади: *жиптиң ушын табыу* фразеологизми *мәселениң шешимин табыу* маъносида ҳар хил вариантларда ишлатилади. *Жиптиң ушын жоғалтыу* фразеологизми *өзиниң не ислеп атырганын билмей қалыу* маъносини ифодалайди. Масалан: «*Бурыңғы аўқам дәуириндеги экономикалық байланыслардың үзилуи, жаңа байланысларды орнатылмағанлығы көплеген қарханаларда жұмысты тоқтатып, жиптиң ушын жоғалтып алған*» (ЕҚ.,10.04.2018). Сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий янгилианишлар асосида тилимизда янгидан-янги фразеологизмлар пайдо бўлмоқда. Бундай фразеологизмлар оммавий ахборот воситаларида, айниқса, газеталарда ишлатилади. Масалан: *турғынлық дәуири*, *қайта қурыу нәпеси*, *пәкленіу самалы*, *исенимсізлик*

дийўалы қулады ва шу каби фразеологик сўз бирликлари ўз ўрнида ишлатилган. Бундай турғун бирликларга хос бўлган белгилардан бири – уларнинг кўпчилиги луғатларга кириб улгурмай, истеъмолдан чиқиб кетди. XX асрнинг 80-йилларида кўпгина фразеологик сўз бирикмалари пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилиги газета тилига хос бўлиб, фикрни таъсирчан ифодалашга хизмат қилди. Аммо улар газетада бир-икки марта қўлланилиб, кейинчалик истеъмолдан чиқиб қолди.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг тўртинчи бўлимида «*Вақтли матбуот тилида услубий меъёр масаласи*» ўрганилди. Қорақалпоқ адабий тилининг меъёри масаласи энг муҳим ва баҳсли масалалардан бири бўлиб, у бугунги кунгача тўлиқ ўрганилмаган. Адабий тил меъёрлари тўғрисида умумтаълим мактабларининг дарсликларигада маълумот берилади⁴². Адабий меъёр масаласи рус тилшунослигида чуқур ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида ушбу масалага оид бир неча тадқиқотлар мавжуд⁴³. Қорақалпоқ вақтли матбуоти тилида адабий тил меъёрларига боғлиқ масалалар мавжуд бўлиб, уларни тизимли тадқиқ этиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатлардан муҳимдир. Адабий тил меъёрларининг бузилиши кўпчилик ҳолларда услубий меъёр билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз ишимизда вақтли матбуот тилидаги услубий хато ва камчиликлар қаторида куйидагиларни келтириб ўтдик:

1) номларнинг атамасида хатоликка йўл қўйиш: «*Ол Сырдарья мамлекетлик университетиниң баслаўиш тәлим методикасы факультетин табыслы тамамлаган*» (УЖ., 4.10.2016). Бу ерда *Гулистан мамлекетлик педагогикалық институты* бўлиб ёзилиши керак. «*Ең ийилицўишең пластик қыз*» (ЕҚ., 8.03.2018). *Пластик қыз* сўзи тўғри маънода пластик материалдан ишланган нарсани англатади. Масалан: *пластик труба, пластик айна* ва *хоказо*;

2) баъзи ҳолларда фикрнинг хато берилиши, сўз ифодалайдиган маъносига эътибор бермаслик: «*Юридика менен терең шугьлланып илим докторы дәрежесине жетилисийи шын мәнисиндеги сөз зергерии больйын тәмийинледии*» (ЕҚ., 22.03.2018). Бу мисолда учта хатога йўл қўйилган. Биринчидан, *юридика менен эмас, юридика илимлери менен* бўлиши керак, иккинчидан, *илим докторы дәрежесине эмас, юридика илимлериниң докторы илимий дәрежесине* бўлиши керак, учинчидан, илмий даража олиш «сөз зергери» бўлишни таъминламайди;

3) сарлавҳада услубий хатога йўл қўйиш: «*Муғаллимниң баҳасы артады*» (УЖ., 1.10.2016). Қорақалпоқ тилида *баҳа* сўзи асосан предмет ёки нарсаларга нисбатан ишлатилади;

4) айрим қўшимчаларни хато қўллаш натижасида услубий меъёрнинг бузилиши: «*Гөззал ҳам бийтәкирарылмансә, муқаддес Ҷатаным, жаным саган*

⁴² Qudimuratov B., Abdinizimov Sh., Ismaylova Z. Qaraqalpaq tili (II klasslar uhin sabaqliq) – No'kis: Bilim, 2018.

⁴³ Бегматов Э., Бабасва А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутк маданияти. – Тошкент: Фан, 1983; Маҳкамов И. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: Фан, 1988; Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Филол.фан.док.дисс. – Тошкент, 1992; Бегматов Э., Мамамов А. Адабий норма назарияси. I қисм. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 92, II қисм, - Тошкент: Фан, 1998. – Б. 134, III қисм. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 140.

пида, *Ўзбекистаным*» сурени ҳар бир ўатанланласымыз бахтиярлық ҳам шукираналық пенен қабыл етпекте» (УЖ., 30.07.2016). Бунда *шукираналық* сўзи хато қўлланилган, чунки қорақалпоқ тилининг *шукирлик* сўзини ишлатиш услубий меърнинг сакланишига хизмат қилар эди;

5) айрим техник, орфографик хатоларга йўл қўйиш: «*Сол тулга халқымыз тарийҳында орны бар Қаллибек Камалов десе асыра ситеген болмаймыз*» (ЕҚ., 7.04.2018). Мисолда фикр биринчи бетдан бошлангани учун, *десек* шаклида қўлланиши керак;

6) қўшма сўзларни ҳар хил, баъзан бирга, баъзан ажратиб ёзиш: «*Ўзбекистан Республикасы Президентлигине талабан Шавкат Мирзиёев өзиниң сайлаў алды бағдарламасы бойынша баянат жасады*» (УЖ., 14.11.2016); «*Ведомстволараралық комиссияның жумысы*» (ЕҚ., 26.05.2018). Бу мисоллардаги *сайлаў алды*, *ведомстволараралық* сўзлари баъзан бирга, баъзан ажратиб қўлланилган. Услубий меъёр бўйича ажратиб ёзилиши керак;

7) бир гапда бир сўзни бир неча бор такрорлаш: «*Бизге белгили болган себеплер менен бул жерге келип қалган баланың қысыўметине жазылган балалығы усы жерде өзи сыяқлы кем кеўил балалар арасында өтти*» (УЖ., 22.08.2016). Матнда *бала* сўзи уч марта такрорланган, натижада услубий меъёрнинг бузилиши юз берган;

8) Шевага онд бирликларни хато ёки ўринсиз ишлатиш: 1) «*Буннан тысқары гөдеклердиң күнделикли аўқатланыў рационаына гречка, бийдай ҳам басқа да жермаларды киритиў мақсетке муўапық*» (УЖ., 15.10.2016). Матнда адабий тилдаги *нәресте* сўзининг ўрнига *гөдек* шева сўзи ишлатилган. Қорақалпоқ тилида *гөдек* сўзининг *аңқаў*, *сада*, *аңгөдек* семалари мавжуд;

9) тилимизнинг ички имкониятларини инобатга олмаслик, бошқа тилдаги сўзларни ноўрин қўллаш: 1) «*Ўзбекистан Республикасының, Қарақалпақстан Республикасының Конституциясын арнаўлы дүзилген группа қурамында жазыўға ҳам оны қабыл етиўге тиккелей қатнасты*» (ЕҚ., 27.03.2018). Матнда *группа* сўзи ўрнида *топар* сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. 2) «*Аралас жем испел шығарыў бойынша әмелдеги қуўатлылықларды инвентаризациядан өткерип*» (ЕҚ., 23.01.2018). Матндаги *инвентаризация* ўрнига *есап-санақ* сўзини ишлатиш керак эди;

10) гап ичидаги сўзларни керакли усулда қўлламаслик: «*Республикалық көлемде өткерилетугын «Сиз нызамды билесиз бе?» ҳам «Ата-бабаларымыз мийрасы-келешек тийкары» атлы таңлаўда Қашқадарья ўалаятында жуўмақлаўшы басқышына қатнасып, утып шықтық*» (ЕҚ. 6.03.2018). Матндаги *утып шықтық* феъли услубий жихатдан нотўғри, чунки спорт мусобақаларида *ютиш* ва *ютилиш* мумкин, танловларда эса *голиб бўлдиқ*, *голибликни қўлга кириттик* ибораларини ишлатиш зарур.

Бундай камчиликларга эътиборсизлик – вақтли матбуот тилининг ривожланиши, газета ўқувчиларининг саводхонлиги ва тил маданиятини оширишга салбий таъсир кўрсади. Баъзи газеталарда бу ҳолат кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу масалага диссертацияда алоҳида тўхталиб,

газета материаллари асосида таҳлил этилди ва уларни бартароф этиш бўйича тавсиялар берилди.

ХУЛОСА

Ўтган асрнинг 20-йилларида миллий тилдаги газеталарнинг пайдо бўлиши қорақалпоқ публицистик услубининг шаклланишига асос бўлди. Шу давр мобайнида қорақалпоқ адабий тили ҳам ҳар томонлама такомиллашиб борди, функционал услубларнинг фаолияти кенгайди. Вақтли матбуотнинг ахборий (хабар, репортаж, интервью, ҳисобот), тахлилий (мақола, корреспонденция, рецензия, хат), бадиий-публицистик (очерк, лавҳа, эссе) жанрлари ва уларнинг ўзига хос услубий хусусиятлари шаклланди. Биз, қорақалпоқ вақтли матбуот тили ва унинг услубий хусусиятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш асосида қуйидагича хулосага келдик:

1. Оммавий ахборот воситалари, жумладан, вақтли матбуот ижтимоий институт сифатида хабар бериш, тарғиб қилиш, тарбиялаш, ташкил этиш, реклама ва таъсирчанлик вазифаларини бажаришда адабий тилдан кенг фойдаланади. Шунинг учун ҳам адабий тилнинг ривожланишида матбуот тилининг ўрни муҳим. У газеталарнинг юзага келиши билан пайдо бўлди ва ривожланди. Матбуот тили публицистик услубнинг бир тури, услуб ости услуби бўлиб такомиллашди. Публицистик услубга вақтли матбуот тилидан ташқари радио ва телевидение услуби ҳам қиради.

2. Матбуот тили рус, ўзбек, қозоқ, озарбайжон, татар ва бошқа бир қатор халқларнинг тилшунослигида чуқур ва ҳар томонлама илмий ўрганилди. Қорақалпоқ тилшунослигида қорақалпоқ адабий тилининг функционал услублари проф.Е.Бердимуратов ва доц.А.Бекбергеновнинг илмий ишларида умумий йўналишда тадқиқ қилинган. Шунинг учун, қорақалпоқ адабий тилида публицистик услуб, айниқса, вақтли матбуот тили махсус тадқиқ қилишни талаб этади. Бу масала диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

3. Матбуот тили – ўзига хос хусусиятларга, мунтазам қўлланувчи атамалар, сўзлар, сўз бирикмаси ва маълум бир қолипга тушган тил бирикларига эга. Унда ёзма адабий тилнинг дастурлари давом эттирилади, оғзаки тилга хос элементлар ҳам қўлланилади. Штамплар – матбуот тилининг алоҳида бир тури бўлиб, у функционал услубларнинг таркибига кирмадада фикрни аниқ, қисқа, ихчам, лўнда ифодалаш учун матбуотда кенг қўлланилади.

